# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФОНД БОЗОРИДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

https://doi.org/10.5281/zenodo.11403918

**Убайдуллаев Дилшод Зувайтович**
*ТДИУ мустақил изланувчиси*

Халқаро фонд бозорида тижорат банкларининг фаолиятига эътибор қаратилса, тижорат банклари нафақат эмитент ва инвестор сифатида, балки молиявий воситачи сифатида ҳам фонд бозорида иштирок этади. Бу орқали тижорат банклари ўз жамғармаларини фонд бозорига йўналтиришдан ташқари аҳоли ва турли инвесторларнинг маблағларини фонд бозорига фаол жалб қилишга ва қайта тақсимлашга ёрдам беради. Кучли институционал инвесторлар сифатида таъкидланадиган, тегишли молиявий хизматларни таклиф қиладиган, шунингдек, мамлакатдаги инвестиция муҳитига таъсир кўрсатадиган банклар, суғурта компаниялари ва нодавлат пенсия жамғармалари инвестиция фаолиятининг асосий иштирокчилари ҳисобланади. Демак, тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаоллигини ошириш нафақат миллий амалиётда, балки халқаро амалиётда ҳам долзарблик касб этади.

Банкларнинг облигациялар бозоридаги иштироки банклар портфелининг структурасини такомиллаштириш ва банкларнинг рискларини камайтириш орқали банклар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди. Ушбу жиҳатлар банкларнинг фонд бозоридаги иштирокининг афзалликларини очиб беради.




**1-расм. Тижорат банкларининг фонд бозорида воситачилик фаолияти турлари[1]**

Халқаро амалиётда банклар фонд бозорида эмитент ва инвестор сифатида иштирок этиши билан бир қаторда воситачилик хизматларини ҳам кўрсатиши мумкин. Бунда банклар қуйидаги “бир қатор хизмат турларини тақдим этиши мумкин (1-расм):

1. Маслаҳатчи.

Корпоратив облигациялар ёки акцияларни чиқариш ва жойлаштиришда қимматли қоғозлар бўйича таклиф ҳажми ва қийматини шакллантиришда маслаҳат бериш;

2. Андеррайтер.

Эмитентлар таклиф қилаётган қимматли қоғозлар бўйича нархни алоҳида-алоҳида ёки бир нечта турли инвестиция банклари билан биргаликда эмиссия қилиш учун синдикат ташкил этиш орқали кафолатлаш;

3. Сотиш бўйича ёрдамчи.

[1] Z.Ahmed, M.Raj, S.Prakash, P.Natarajan, J.Konear. Global Financial Markets and Instruments маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Чиқарилган қилинган қимматли қоғозларни потенциал инвесторларга сотишда ёрдам бериш.




**2-расм. Тижорат банкларининг фонд бозоридаги воситачилик фаолияти**

Халқаро фонд бозорида тижорат банклари турли хизматларни таклиф қилади (2-расм). Андеррайтинг хизмати орқали акцияларни оммавий жойлаштириш жараёни орқали капитал жалб қилмоқчи бўлган компаниялар ва инвесторлар ўртасида воситачилик қилади. Бирлашишлар ва қўшиб олишлар (M&A) жараёнларини бошқаради ҳамда ушбу жараёнда иштирокчилар учун маслаҳатчи ролини бажаради. Қолаверса, иккиламчи бозорда қимматли қоғозлар олди-сотдисида иштирок этади ва қимматли қоғозлар олди-сотдисида иштирок этувчи инвесторларга инвестиция қарорларини қабул қилишда ёрдам беради. Шунингдек, кенг доирадаги инвесторлар, шу жумладан, институтлар ва жисмоний шахслар учун инвестицияларни бошқаришда активларни бошқарувчи сифатида хизмат кўрсатади.

Айрим иқтисодиётларда банклар корпоратив облигацияларнинг асосий эгалари ҳисобланади. Мисол учун, Индонезияда банклар корпоратив облигацияларнинг асосий қисмига эгалик қилади ва Аргентина, Бразилия, Чили ва Малайзияда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Институционал

инвесторлар ривожланиши натижасида кейинчалик банклар облигациялар бозорида кичикроқ улушга эга бўлиши мумкин. Шунингдек, давлат ва корпоратив облигациялар банклар балансининг муҳим қисмини ташкил қилганда, уларни баҳолаш масаласи муҳим бўлиб қолади. Кўплаб ривожланаётган мамлакатларда банклар, одатда, облигацияларни сўндириш муддатигача ушлаб туришини алоҳида таъкидлаш лозим.

Банклар ўзлари учун облигацияларни сотиб олиш билан бир қаторда кўпинча асосий инвесторлар бўлиши мумкин бўлган инвестиция ва пенсия фондларини бошқаришини ҳам учратишимиз мумкин. Агар банк облигацияларни чиқарадиган компанияга кредит ажратган бўлса, у облигацияларни баҳолашда ахборот устунлигига эга бўлиши мумкин. Лекин бу инсайдерлик маълумотларини сақлаш бўйича мажбуриятлари билан боғлиқ муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Агар банк томонидан бошқариладиган инвестиция фонди муаммоли компания томонидан чиқарилган облигацияларни сотиб олса ва облигациялар орқали жалб қилинган маблағни банкдан олинган кредитни тўлаш учун ишлатса, манфаатлар тўқнашуви юзага келиши ҳам мумкин. Банклар, шунингдек, корпоратив облигациялар чиқариш бўйича андеррайтер сифатида ҳам ҳаракат қилишлари мумкин. Банклар ушбу оперцияларда кредит рискини эмас, балки бозор рискини (чиқарилган облигациялар келишилган нархда ва миқдорда тўлиқ жойлаштирилмаган тақдирда) ўз зиммасига олишлари мумкин. Гонконгдаги корпоратив облигацияларнинг 90%дан ортиғи андеррайтер орқали жойлаштирилган. Индонезия ва Кореядаги барча листингдан ўтган корпоратив облигациялар, худди Мексика ва Венгрияда бўлгани каби андеррайтер орқали жойлаштирилган. Баъзи мамлакатларда андеррайтинг хизматлари банклар томонидан эмас, балки қимматли қоғозлар воситачилари томонидан кўрсатилишини таъкидлаш лозим.